2016 ЙИЛ 22 МАРТ, СЕШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 58 – 59 (13.121 – 13.122)

Баҳоси эркин нархда

ТИНЧЛИК, ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК НАШИДАСИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Табиат уйғониб, гул-чечаклар очилиб, атроф яшил либосга бурканиб бораётган шу кунларда яшариш ва янгиланиш фасли бўлмиш Наврўзи олам юртимизга кириб келиши билан сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаш, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурмат ва самимий тилакларимни изҳор этиш – мен учун катта бахтдир.

Наврўзи олам барчамиз учун неча минг йиллик тарихга эга, илдизлари "Авесто" даврида пайдо бўлган, қадимий, асл миллий, ҳар қандай сиёсатдан йироқ, кеча ва кундуз тенг келадиган шарқона янги йил бўлиб, эл-юртимиз табиатига, онгу тафаккури, қалби-шуурига чуқур сингиб кетган энг севимли, энг гўзал баҳор байрамидир.

Айни шу бетакрор ва дилбар фаслда кўклам нафаси ва майин шабадалар кириб келиши, куртакларнинг очилиши билан инсон вужудига баҳор нашидаси югургандек бўлади. Барчамиз ўзимизни яшариб кетгандек, куч-қувват, ғайрат ва шижоатга тўлгандек сезамиз, ўзимизни табиатнинг узвий ва ажралмас қисми деб ҳис қиламиз.

Айни шу файзли, шодиёна дамларда юртимизнинг барча гўшаларида, қир-адирлар, боғу роғларда юртдошларимиз сумалак ва ҳалим, кўксомса ва гўжа каби тансиқ таомлар тортилган дастурхонлар атрофида тўпланиб, бу баҳор неъматларини ўз оиласи, яқинлари, дўсту бирodарлари билан баҳам кўришга интилади.

Ҳеч шубҳасиз, бундай хурсандчилик ва сайил-томошаларни кўпчилик хонадон ва маҳаллаларда, марказда, узоқ ва чекка қишлоқларда кўриш, кузатиш қийин эмас.

Аҳолимиз, қайси миллат ва элат вакили бўлишидан қатъи назар, байрамона кайфиятга берилиб, бу ажойиб айёмни катта шоду хуррамлик билан ўтказади, бундай дамларда нафақат таниш, балки нотаниш одамларни ҳам қутлаб, бағрига босиб, соғлик, бахту саодат ва омад тилаши ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, десам, ҳақиқатни айтган бўламан.

Мен ҳам айни шу дақиқалардан фойдаланиб, мана шу муаззам ва гўзал майдонда тўпланган сиз, азизларга, бутун халқимизга қарата Алишер Навоий бобомизнинг табаррук сўзлари билан айтмоқчиман: "Барчангизга Наврўз байрами муборак бўлсин, ҳар кунингиз Наврўз бўлсин!" деган самимий тилакларимни, меҳр-иззатимни қабул қилишингизни сўрайман.

Қадрли дўстлар!

Наврўзнинг ўлмас руҳи ва қадриятлари авлодлардан-авлодларга безавол ўтиб келмоқда, орадан қанча йиллар, замонлар ўтмасин, бу ғоя ва одатлар бугунги кунларда ҳам халқимизнинг онгу тафаккурида чуқур из қолдириб, кучайиб бормоқда.

Шу ўринда баъзи бир мисолларни олиб келмоқчиман.

Неча минг йиллик тарихимиздан маълум: Наврўз фаслида турли низо ва адоватлар, гина ва аразлар унутилиб, одамлар, миллат ва элатлар ўртасида меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват, ҳамжиҳатлик каби инсоний туйғулар янада кучаяди.

Шу борада бир фараз қилайлик: агарки, бугунги кунда халқаро майдонда тобора авжига чиқаётган кескинлашув, можаро ва қарама-қаршиликларни, ҳали-бери давом этаётган қон тўкишларнинг олдини олиш, пайдо бўлаётган муаммоларни фақатгина тинчлик ва сиёсий музокаралар йўли билан ҳал қилишга қайтсак, халқимиз ибораси билан айтганда, олам гулистон бўларди.

Ишончим комил, агарки шу кунларда кўпни кўрган, қанчақанча синовларни бошидан кечирган, яхшилик ва эзгуликни доимо юрагининг тўрида сақлаб келадиган, меҳр-оқибатли халқимиздан, ***шарқона янги йил кириб келиши арафасида туриб, янги йилда сизнинг энг эзгу ниятларингиз нималардан иборат, деб сўраса, халқимиз, ҳеч иккиланмасдан, бизга тинчлик ва омонлик керак, деб жавоб бериши муқаррар.***

Бундай яқдилликнинг сабаби ва илдизларини аввало бизнинг қадимий тарихимиз, кўп қиррали буюк маданиятимизда, умумбашарий тараққиётга ўчмас ҳисса қўшган улуғ олим ва мутафаккирларимиз қолдирган бебаҳо меросда, она юртимиз кўп замонлар давомида билим, маънавият ва маърифат маркази бўлиб келганида кўриш даркор.

Бунинг устига, азал-азалдан халқимизга мансуб бўлган олижаноблик, бағрикенглик, одамийлик ва меҳрибонлик, муҳтож бўлганларни қўллаб-қувватлаш, кексаларнинг дуосини олиш, ёшларга меҳр-эътиборда бўлиш, ота-боболаримиз ва момоларимиз, ёши улуғларимиз, устозларимиз, ота-оналаримиз ва ўзимиздан кичикларга ҳурмат ва эътибор, ёлғизларга ёрдам, етим-есирларнинг бошини силаш каби савоб ишларни бажо келтиришда бундай хусусият ва аломатлар аҳолимизнинг қонқонига, суяк-суягига сингиб кетгани ҳеч кимга сир эмас.

Буларнинг барчаси асрлар мобайнида авлоддан-авлодга ўтиб, бойитилиб, охир-оқибатда эзгу инсоний тушунчаларга айланиб, халқимизнинг маънавий ва амалий дунёқараши учун мустаҳкам пойдевор бўлган.

Табиийки, бундай олижаноб, ноёб хусусият ва фазилатларга эга бўлган, пок орзу-интилишлар билан яшаётган, ўзи учун тинчлик ва омонликни, мусаффо осмонни истайдиган халқимиз, ҳеч шубҳасиз, яқин ва узоқ қўшнилари билан ўз муносабатларини ўзаро ҳурмат, дўстлик, ҳамжиҳатлик, бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш асосида қуради. Ва юртимизни, аҳолимизни ҳар қандай бало-қазолардан омон сақлашни ўзининг устувор вазифаси деб билади.

Мана шундай қувончли дамларда бугун бизга катта ҳурмат ва эҳтиром билдириб, шу гўзал майдонда Наврўз шодиёналаримизда иштирок этаётган чет мамлакатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотлар вакилларини, хорижий шерик ва ҳамкорларимизни, барча муҳтарам меҳмонларимизни сизларнинг номингиздан, бутун халқимиз номидан Наврўз байрами билан қутлашга, уларга қизғин ҳурмат ва саломимизни йўллашга рухсат бергайсиз.

Муҳтарам юртдошлар!

Бугун мана шу файзли майдонда жамулжам бўлган сиз, азизларни қутлаб, сизларнинг тимсолингизда аввало Ўзбекистонимизни янада обод ва фаровон қилиш йўлида ўзининг мардона меҳнати ва матонати билан улкан ҳисса қўшаётган, эришаётган ютуқ ва марралари билан барчани қойил қолдираётган, ёвуз кучларга бош эгмайдиган, ўз қадр-қимматини, мустақиллигини юксак баҳолайдиган, бағрикенг халқимизни кўраман. Ва шу юксак минбардан туриб, шундай олижаноб фазилатлар соҳиби бўлган халқимиз олдида таъзим қиламан.

Бизнинг таянчимиз ва суянчимиз бўлмиш Ўзбекистон ёшларига қарата айтмоқчиман: бошимиздан кечираётган, шиддат билан ўзгариб, тобора мураккаблашиб бораётган давр барчамизнинг, биринчи навбатда, сиз, азиз фарзандларимизнинг олдига замонавий билим ва касб-ҳунарларни, интеллектуал бойликларни чуқур эгаллаш, шу билан бирга, мамлакатимизнинг халқаро майдонда рақобатдошлигини янги босқичга кўтариш, иқтисодиётимизни янгилаш, модернизация ва диверсификация қилиш, буларни тараққиётимизнинг локомотивига айлантириш каби вазифаларни қўймоқда.

Айни шу улкан долзарб мақсадларга эришиш йўлида сиз, азизларнинг халқимиз, Ватанимизнинг ишончини оқлашга қодир эканингизга ишонаман ва барчангизни доимо қўллаб-қувватлашга тайёрман.

Азиз ва қадрли ватандошларим!

Мана шу нурафшон ва гўзал айёмда барчангизни кириб келаётган Наврўз байрами билан яна бир бор чин юракдан табриклайман.

Наврўз ҳар бир оила, ҳар бир хонадонга, бутун юртимизга тинчлик-омонлик, меҳру оқибат, бахту саодат, қут-барака олиб келсин!

Барча-барча орзу-ниятларимиз ушалсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди



Наврўз – халқимизнинг азалий қадриятлари, эзгу орзу-интилишларини мужассам этган, аждодларимиздан бизга мерос бўлиб келаётган қадимий байрам. Мустақиллик унга ёшлик, янги ҳаёт бағишлади. Истиқлол йилларида Наврўз мазмунан бойиди, мамлакатимизда яшаётган миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча ватандошларимиз орзиқиб кутадиган умумхалқ байрамига айланди.

Давлатимиз раҳбарининг "2016 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, юртимизнинг барча ҳудудларида бу айёмга ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрилди. Халқимиз бу кунни янги муваффақиятлар билан кутиб олмоқда. Шундай фаровон кунларга, байрамларга етганига шукроналар айтиб, хурсандчилик қилмоқда.

21 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган.

Бу ерга сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, фан, маданият ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг вакиллари, ёшлар ташриф буюрган.

Соат 10:30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келади.

Байрам тантанасига йиғилганлар давлатимиз раҳбарини қарсаклар билан кутиб олади.

Чорлов мусиқаси янграйди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Президентимиз халқимизни Наврўз байрами билан муборакбод этади.

Мусаффо осмонимиз узра қуёш чарақлайди. Муаззам майдон атрофидаги улкан ҳаво шарлари майин тебранади. Турфа ранглардаги байроқчалар, анвойи гуллар кўзни қувонтиради.

Саҳна теграсидаги дарахтлар, майсазорлар юртимизнинг баракали боғу далаларини эслатади. Оҳиста айланаётган чархпалак ободлик ва фаровонлик белгиси – обиҳаёт олиб келади. Ҳар бир юртдошимизга таниш, кўнгилга яқин бундай файзли манзара қалбларга кўтаринкилик бағишлайди.

Майдон узра карнай-сурнай садолари янграб, байрам бошланганидан дарак беради. Шундай фараҳбахш дамларда она табиатда рўй бераётган яшариш, янгиланишларни қалбидан ўтказаётган юртдошларимиз кўнглида шодлик, яна бир Наврўзга эсон-омон етганимиз, эл-юртимиз тинчлиги ва фаровонлиги учун шукроналик туйғулари жўш уради.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун анъанавий "Ташаббус – 2016" кўрик-танловининг Жиззах вилояти босқичи бўлиб ўтди. Танловнинг вилоят босқичида шаҳар ва туманлардан сараланган 39 тадбиркор, фермер ва ҳунарманд ўз маҳсулоти билан қатнашди. Бу галги танлов саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кенгайиб, фермерлик ва миллий ҳунармандлик жадал ривожланиб бораётганини кўрсатди.

● Самарқандда вилоятдаги йирик саноат корхоналари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирокида ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси ўтказилди. Унда вилоятдаги 300 дан зиёд йирик ва кичик ишлаб чиқариш корхонаси, хусусий тадбиркорлар билан бирга мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидан 70 га яқин корхона ўз маҳсулотлари билан қатнашди.

● Бухорода Наврўз умумхалқ байрамига бағишлаб "Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар" деб номланган фестиваль бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамда маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари иштирок этди.

● Нукусда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Божхона кодекси мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Жиззах ва Сирдарё вилоятларида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди, Германиянинг "Friedensdorf International" халқаро ташкилоти ҳамкорлигида болалар тиббий кўриги ўтказилди.

● Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд вилоят драма ва мусиқали театрида Мақсуд Шайхзоданинг "Мирзо Улуғбек" тарихий драмаси асосида саҳнага қўйилган спектакль премьераси бўлиб ўтди. Буюк олим Мирзо Улуғбекнинг давлат арбоби, илм-фан ҳомийси сифатида амалга оширган ишлари, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, олам ва одам ҳақидаги фалсафий мушоҳадалари мазкур саҳна асарининг бош ғоясини ташкил этади.

ЖАҲОНДА

● "Боинг-737" самолётининг ҳалокатидан сўнг, Россиянинг Ростов-Дон шаҳридан илк ҳаво кемаси парвоз қилди.

● Футбол қироли Пеле ўзига тегишли бўлган бир нечта қимматбаҳо ва ноёб совринларини кимошди савдосида сотишга қарор қилди. Аукционга қўйилган баҳоси йўқ буюмлар орасида "Олтин маъбуда", Пеленинг бир нечта футболкалари, мингинчи голини киритган тўпи, жаҳон чемпионатларидаги медаллари, фойдаланган бутсилари бор.

ТИНЧЛИК, ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК НАШИДАСИ







(Давоми. Боши 1-бетда)

Наврўз янгиликларни, яхшиликларни бошлаб келади. 2015 йилги Наврўздан бир неча кун ўтиб, 29 мартда мамлакатимиз ҳаётида муҳим сиёсий воқеа – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлди. Демократия принципларига тўла мос равишда ўтган ушбу тадбирда сайловчиларнинг 90,39 фоизи Ислом Каримовга овоз берди. Бу Ислом Каримовнинг мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, ҳаёт сифатини юксалтириш борасидаги беқиёс хизматларини халқимиз муносиб баҳолаши, барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларни давом эттиришни қўллаб-қувватлашининг далолати бўлди.

"Келди баҳор...". Кўнгилларга кўклам суруруни бахш этган сеҳрли оҳанг оғушида юртимизнинг гўзал табиати, бетакрор қадимий обидаларию замонавий иншоотлари, шаҳар ва қишлоқларимизнинг кўрку таровати кўз ўнгимизда гавдаланади.

Мумтоз наволар халқ қўшиқларига уланади. Чанқовуз, сибизға куйлари янграб, саҳнага фольклор-этнографик ансамбллар кириб келади. Наврўз сайли намойиш этилади. Дошқозонларда сумалак тайёрланади, тандирдан иссиқ нонлар узилади, йигит-қизлар қўшиқ айтиб, рақсга тушади.

Ўзбекистонда тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик олий қадрият даражасига кўтарилган. Жамиятимизда меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик муҳити қарор топган.

Тинчлик ва барқарорлик сабаб мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори тобора ошиб бормоқда. Энг ривожланган давлатлар, нуфузли халқаро ташкилотлар Ўзбекистон билан ҳамкорликка интилмоқда.

2015 йил июнь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мун расмий ташриф билан мамлакатимизга келгани бунинг яна бир тасдиғи бўлди.

Ўзбекистоннинг минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, терроризм ва жиноятчиликка қарши курашиш, экологик муаммоларни бартараф этиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, илм-фан, маданият ва санъатни ривожлантириш борасидаги ташаббуслари БМТ томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда. Мамлакатимиз ушбу ташкилот ва унинг қатор тузилмалари билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали 2015 йили ўнинчи бор ўтказилди. ЮНЕСКО шафелигида ўтказиб келинаётган ушбу мусиқий анжуман халқлар ўртасидаги маданий мулоқотни ривожлантириш, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз қатъий равишда тинчликпарвар сиёсат юритиб келмоқда.

...Майдон атрофида оппоқ лайлаклар қўним топган. Бу мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталикни, файзу баракани ифодалайди.

Тинчлик – тараққиётнинг асосий омили. Тинчлик-осойишталик бўлган жойда ривожланиш бўлади, одамлар бунёдкорлик, яхшилик истаги билан яшайди. Буни мамлакатимизда иқтисодий ўсиш суръатлари давом этаётганида яққол кўриш мумкин.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 6 баробар, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 9 баробардан зиёд ўсди. Глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида мамлакатимиз жаҳондаги камдан-кам давлатлар қаторида барқарор ривожланмоқда. Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари кейинги ўн бир йилда 8 фоиздан юқори бўлиб келмоқда. Макроиқтисодий кўрсаткичлар мутаносиблиги, давлат бюджети ва тўлов балансининг барқарор равишда профицит билан бажарилиши, экспорт ва олтин-валюта захираларининг ўсиши таъминланмоқда.

Бу Президентимиз томонидан асос солинган, халқимиз кенг қўллаб-қувватлаган ва бутун жаҳон эътироф этаётган тараққиётнинг "ўзбек модели" самараларидир. Халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига қўлга киритилаётган бундай ютуқ ва марраларни бутун дунё тан олмоқда. Халқаро эксперт ташкилотлари, нуфузли рейтинг компаниялари мамлакатимиз ривожининг бугунги ҳолати ва истиқболларини юқори баҳоламоқда.

Ўтган йили Швейцарияда Жаҳон иқтисодий форуми – "World Economic Forum" иқтисодиёти энг тез ривожланаётган мамлакатлар рейтингини эълон қилди. Жаҳон банкининг "Глобал иқтисодий тараққиёт" прогнози асосида тайёрланган мазкур маълумотда Ўзбекистон 2014-2017 йилларда йиллик ўсиш даражаси юқори бўладиган давлатлар орасида 5-ўринни эгаллади.

Мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш изчил давом эттирилмоқда. 2015 йилда ана шу мақсадларга барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 15 миллиард 800 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилди. Умумий қиймати 7 миллиард 400 миллион доллар бўлган 158 йирик ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди.

Жанубий кореялик инвестор ва мутахассислар билан ҳамкорликда Сурғил кони негизида қиймати 4 миллиард доллардан зиёд бўлган Устюрт газ-кимё мажмуаси барпо этилгани, Самарқанд – Қарши темир йўл участкасида юқори тезликда ҳаракатланувчи "Афросиёб" электр поезди қатнови йўлга қўйилгани халқимизга мамнуният бағишлади.

Барча соҳалардаги тараққиёт мамлакатимиздаги ободликда ҳам намоёндир. Шаҳару қишлоқларимизда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Ўтган йили пойтахтимизда ўнлаб кўп қаватли замонавий уйлар, йўл ва кўприклар қурилди. Қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида 12 мингта уй-жой, қарийб 170 инфратузилма объекти барпо этилди. Бундай ишлар самарасида шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси ўзгариб, одамларнинг ҳаёт сифати юксалиб бормоқда.

Ёшларни қўллаб-қувватлашга оид дастурларга мувофиқ, ёш оилаларга топширилаётган "Камолот" уйлари уларнинг оёққа туриб олиши, ҳаётда ўз ўрнини топиши ва фарзандларини баркамол этиб тарбиялаши учун катта мадад бўлмоқда.

Наврўз кунларида халқимизга хос меҳру оқибат, хайру саховат янада яққол намоён бўлади. Эл-улус очиқ юз билан бир-биридан хабар олади, беморлардан ҳол-аҳвол сўрайди. Ёши улуғ инсонлар, табаррук отахон ва онахонларга алоҳида ҳурмат-эътибор кўрсатилади.

Президентимиз ташаббуси билан 2015 йил мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилиниши ёши улуғ инсонларнинг иззат-ҳурматини жойига қўйиш, муҳтарам фахрийларнинг кўнглини кўтариш, саломатлигини мустаҳкамлаш, улар учун қўшимча қулайликлар яратиш йўлида олиб борилаётган ишлар самарасини янада оширди.

Кексаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида пенсия миқдори 20 фоиздан зиёд кўпайтирилди. 100 ёшга етган ва ундан ошган нуронийларнинг пенсиясига энг кам иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида устама тўлаб бориш тизими жорий этилди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилганлар санаторий-курортларда бепул даволанди.

...Саҳнага болакайлар кириб келади. Майдон шўх-шодон кулгуга тўлади. Уларнинг абжир ҳаракатлари, хушчақчақ куй-қўшиқлари барчага завқ-шавқ улашади.

Булар – мустақиллик йилларида туғилган, давлатимизнинг алоҳида эътибори ва ғамхўрлиги оғушида ўсаётган соғлом болалар. Биздан кўра кучли, билимли, доно ва бахтли бўлиб улғаётган авлод.

Президентимиз раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки йилларидан соғлом авлодни тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди ва бу эзгу иш изчил давом эттирилмоқда. Оналарнинг соғлом бўлиши, болаларнинг соғлом туғилиши ва ўсиши учун барча шароитлар яратилмоқда. Аҳоли ҳаёт сифатини юксалтириш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, болалар спортини ривожлантириш каби йўналишлардаги ислоҳотлар моҳиятан ана шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Ёшларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай воя га етаётгани халқаро танлов ва мусобақаларда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Биргина ўтган йили спортчиларимиз 165 халқаро мусобақада иштирок этиб, 983 медални қўлга киритди. Ёш мусиқачи ва ижрочиларимиз нуфузли халқаро танловларда 137 совринли ўринни эгаллади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2016 йил мамлакатимизда Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилингани бу соҳага эътиборнинг яна бир ёрқин далили бўлди.

...Майдонда жаҳон мусиқалари янграйди. Классик опера ва балетлар, турли тиллардаги қўшиқлар байрам қатнашчилари, чет эллик меҳмонларга завқ бағишлайди.

– Наврўз Ўзбекистонда зўр тантана билан нишонланади, – деди Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фумихико Като. – Миллий анъаналарингиз халқ, айниқса, ёшлар томонидан фахру ифтихор билан қабул қилиниши эътиборга молик. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик дўстлик ва ўзаро ишонч руҳида, икки томонлама манфаатдорлик асосида барча соҳаларда изчил ривожланаётгани бизни ғоят қувонтиради. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини Наврўз айёми билан чин дилдан муборакбод этаман!

...Наврўз томошалари кўтаринки руҳда давом этади. Мониторларда кураш, улоқ-кўпкари, арқон тортиш, тош кўтариш, дорбозлик каби завқли анъаналар намойиш этилади. Ўланчию лапарчилар деҳқончиликка барака тилаб, Наврўз, табиат ҳақида қўшиқлар айтади.

Қишлоқ хўжалигида бозор муносабатлари ривожлантирилаётгани, фермерлик ҳаракатига кенг имкониятлар берилаётгани самарасида ҳар йили юксак ҳосилдорликка эришилмоқда. Ўтган йили мамлакатимизда 7 миллион 500 минг тоннадан зиёд ғалла, 3 миллион 350 минг тоннадан ортиқ пахта, 14 миллион 500 минг тоннага яқин сабзавот ва полиз, 4 миллион 300 минг тонна боғдорчилик маҳсулотлари етиштирилди. Шу боис қишин-ёзин бозорларимиз фаровон, нарх-наво меъёрида.

Мамлакатимизда тайёр саноат, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, жумладан, мева-сабзавот экспорти йилдан-йилга ошиб бормоқда.

– Наврўз – ажойиб байрам, – дейди Германиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Найтхарт Хёфер-Виссинг. – Бу байрам барчага қувонч улашади, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибатни мустаҳкамлайди. Биз ҳам бу шодиёнада иштирок этиб, турли касб эгалари, хорижлик меҳмонлар, ҳамкасбларимиз билан дийдор кўришамиз, байрам дастурини мириқиб томоша қиламиз. Байрам тантанасидаги кўтаринки руҳ, одамлар юз-кўзидаги қувонч ва шодлик мамлакатингиздаги тўкинлик, фаровонлик, тинч ва осуда ҳаёт ифодасидир.

Наврўз кунларида инсон ўзини табиат билан узвий боғланганини янада теранроқ ҳис этади. Она заминни ардоқлаб, бугунги тинч ҳаётнинг қадрига етиб яшаш кераклигини яхшироқ англайди.

Халқимиз азалдан тўю тантаналарга орасталик, бунёдкорлик билан тараддуд кўрган. Ота-боболаримиз Наврўзни покизалик, эзгу орзуниятлар билан кутиб олган. Чунки тозалик, саранжом-саришталик бор жойда қут-барака, сиҳат-саломатлик бўлади.

Бу йил ҳам баҳорнинг илк кунларидан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. 12-13 март кунлари мамлакатимиз бўйлаб ўтган умумхалқ хайрия ҳашарида маҳалла ва кўчалар тозаланди, хиёбону боғлар, корхона ва ташкилотлар атрофи ободонлаштирилди. Қадамжолар, қабристонлар тартибга келтирилиб, мевали ва манзарали дарахтлар, гул кўчатлари экилди. Кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, ногиронлар ҳолидан хабар олинди, байрам совғалари улашилди.

Байрам арафасида янги уй-жойлар, корхоналар, тиббиёт ва ўқув муассасалари, хизмат кўрсатиш шохобчалари фойдаланишга топширилди. Бу иншоотлар Ватанимиз чиройига чирой қўшади, юртдошларимизнинг турмуш тарзини янада яхшилашга хизмат қилади.

– Наврўз тантаналарини томоша қилар эканман, Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимиз ҳар томонлама ривожланаётганига, одамларимизнинг турмуш даражаси ўсиб, дунёқараши ўзгариб бораётганига яна бир бор амин бўлдим, – дейди Наманган вилоятидан келган хусусий тадбиркор Ғани Умаров. – Бу ўзгаришлар мана шу тантаналар шукуҳида, юртдошларимизнинг қувончида ҳам яққол кўриниб турибди. Шундай дориломон кунларга етганимизга шукроналар айтамиз. Илоҳим, доимо юртимиз тинч, ҳаётимиз бундан-да обод, турмушимиз янада фаровон бўлсин.

...Байрам томошаси қизигандан қизийди. Эстрада хонандаларининг шўх-шодон қўшиқлари, жозибадор рақслар юракларни жўштиради.

Майдон атрофида ташкил этилган халқ ҳунармандлари кўргазмасида намойиш этилаётган маҳсулотлар халқимизнинг бой маданий мероси ва юксак санъатининг ифодаси сифатида кўнгилларда фахр-ифтихор уйғотади.

Наврўз байрамини ўнлаб мамлакатлар аҳолиси сунъий йўлдош воситасида телевидение орқали томоша қилди, интернет орқали кузатиб борди.

Майдон узра янграган куй-қўшиқлар олисолисларга таралади, бу ердаги кўтаринки руҳ, байрамона кайфият бутун юртимизга ёйилади.

Мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида Наврўз сайиллари, байрам шодиёналари давом этмоқда.



Аъло Абдуллаев олган суратлар

Нодира МАНЗУРОВА,
Анвар САМАДОВ,
ЎзА мухбирлари

ЎЛКАМИЗДА НАВРЎЗ ШУКУҲИ

НАВРЎЗ СОҒИНЧИ

Наврўз халқимиз орзиқиб кутадиган севикли байрамлардан. Наврўз соғинчи "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказилган онлайн мулоқотда ҳам ўз ифодасини топди.

"Камолот"да меҳмонда" лойиҳаси доирасида Ёшлар ижод саройида ташкил этилган тадбирда адабиётшунос олим Омонулла Мадаев, фольклоршунос олимлар Саодат Йўлдошева, Мунаввара Ёқуббекова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ушбу байрамнинг тикланиши ва янгича мазмун билан бойигани, Наврўз фалсафасининг баркамол авлод тарбиясидаги ўрни, миллий қадрият сифатидаги аҳамияти ҳақида сўзлади.

– Қадимда аждодларимиз серҳосиллик ва қут-барака ғоясини мужассамлаштирган мавсумий маросимлар ўтказган, – дейди ЎзА мухбирига Омонулла Мадаев. – Улар орасида қуёшнинг ҳамал буржига ўтиши ҳамда янги меҳнат мавсумининг бошланиши муносабати билан нишонланган баҳорий тенгкунлик алоҳида ўрин тутган.

Наврўз байрами бойчечак, лола, қизғалдоқ билан алоқадор "гул сайллари", ариқ-зовурлар тозаланиб, янги боғлар барпо этиладиган ҳашарлар, байрам арафасида қилинадиган "қозон тўлди" удумлари, кўкламда далага биринчи марта қўш чиқариб, дон экишга оид "шох мойлар" маросими, сумалак ва ҳалим пишириш, етти хил дондан "наврўз гўжа" ва етти хил кўкатдан кўк сомса тайёрлаш, арғимчоқ учиш, варрак учириш анъаналарини ҳам ўз ичига олган. Бу удумларнинг ҳар бири ўзига хос рамзий маъно касб этган бўлиб, улар замирида аждодларимизнинг эзгу тушунчалари мужассам.

Наврўз байрами эл-юртни бирлаштиради, одамларни бунёдкорликка ундайди, дилларни меҳр-мурувват нури ила ёритади. Наврўз ризқ-рўзимиз манбаи табаррук заминни севишга, меҳнатни қадрлашга, кўклам мўъжизаларидан баҳра олишга ўргатади.

Онлайн мулоқотни мамлакатимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилаётган, хорижда таҳсил олаётган минглаб ёшлар, www.kamolot.uz веб-сайтининг ўқувчилари кузатиб борди. Мулоқот давомида интернет орқали келиб тушган 500 дан ортиқ саволнинг энг саралариga олимлар жавоб қайтарди.

Тадбир доирасида миллий каштачилик намуналари, эзгу қадрият, урф-одат ва анъаналаримиз акс этган фотоасарлар, миллий либослар кўргазмаси ташкил этилди.

Дилшод КАРИМОВ





Ислом Исмоилов олган суратлар

ЮРТ ТИНЧЛИГИ ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги "Отчопар-1" маҳалласида тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлашда жамоат ташкилотларининг вазифаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда маҳаллий кенгашлар депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фаоллари иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда қарор топган қонун устуворлиги, миллатлараро ҳамжиҳатлик ва соғлом маънавий муҳит тинч-осойишта ҳаётимизнинг муҳим пойдевори бўлаётгани таъкидланди.

– Маҳалламизда ўндан зиёд миллат вакиллари аҳил-иноқ истиқомат қилади, – дейди ЎзА мухбирига "Отчопар-1" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдуғани Раҳимов. – Биргаликда кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар, ҳашарлар ташкил этмоқдамиз. Оилаларнинг ижтимоий ҳолатидан хабардор бўлиб, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Наврўз байрами арафасида бу ишлар янада кучайтирилаётир. Зеро, маҳалла тинч бўлса, юрт тинч бўлади.

Давра суҳбатида юртимиздаги тинчлик, осойишталик муҳитини янада мустаҳкамлаш, хавфсизликни таъминлашда маҳаллалар томонидан олиб борилаётган ишлар, бу жараёнда давлат, жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар билан ҳамкорлик истиқболларига оид маърузалар тингланди.

Б.ХИДИРОВА

БАҲОР МАЛИКАЛАРИ

Шаҳримизнинг барча гўшалари, маҳалла, корхона ва ташкилотларда яшариш ва янгиланиш айёми бўлмиш Наврўзи олам кўтаринки руҳда кутиб олинмоқда.

Жумладан, Сергели туманида жойлашган "EKOPEN" МЧЖ шаклидаги қўшма корхона ва "UZTEX TASHKENT" МЧЖ шаклидаги қўшма корхона ҳамкорлигида ўтказилган "Баҳор маликалари" кўрик-танлови ҳам айнан мана шу мақсадда ташкил этилди.

Миллий қадриятларимиз тимсоли бўлмиш Наврўз байрамига бағишланган мазкур кўрик-танлов аёлларга юксак эҳтиром кўрсатиш, ташаббускорликларини рағбатлантириш йўлида, шу билан бирга ишчи-ходимларнинг корхонадаги техникаларни қанчалик даражада мукаммал билишларини синовдан ўтказиш, эркин мавзу, ким чаққон уй бекаси каби бир қатор шартлар асосида ўтказилди.

– Бугунги тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад корхонада фаолият кўрсатаётган хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, уларнинг иқтидорини қўллаб-қувватлаш, билим салоҳиятларини синовдан ўтказиш, жамоамизнинг маданий ҳордиқ олишларига имконият яратишдан иборат, – дейди "UZTEX TASHKENT" МЧЖ шаклидаги қўшма корхона раҳбари Равшанбек Йўлдошев. – Қатнашчиларнинг ниҳоятда ҳозиржавоблиги, фаоллиги, интилувчанлиги барчага яхши кайфият бахш этди.

Кўрик-танловда ўз маҳорати, иқтидорини намойиш этган қизлардан Маҳлиё Алижонова биринчи, Садоқат Ҳошимбоева иккинчи, Зилола Жониқулова учинчи ўринларни эгаллашди.

– Наврўз деҳқончилик ишларини бошлаш байрами ҳам ҳисобланади, – дейди ушбу қўшма корхонанинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича мутахассиси Дилноза Сариева. – Бу вақт деҳқонларимиз турли хил кўчатлар ўтказиб, деҳқончилик ишларини бошлаб юборишади. Аёлларимиз эса ёши улуғ онахонларимиз бошчилигида дошқозонларда сумалаклар қайнатиб, тандирларда кўк сомсалар ёпадилар. Наврўз халқимизнинг узоқ тарихга эга бўлган миллий байрами ҳисобланади.

Кўтаринки кайфиятда ўтказилган байрам сўнгида кўрик-танловнинг барча иштирокчиларига ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари тақдим этилди.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА

КЎП МИЛЛАТЛИ МАҲАЛЛАДА СУМАЛАК САЙЛИ

Кўп қаватли уйлар ўртасидаги ҳовлида кенг чодир тикилган. Хотин-қизлар бири қўйиб бири дошқозон кавлайди. Йигитлар ўтин ёриб, ўчоққа қалайди, сув ташийди. Атрофда болалар чопқиллаб ўйнайди. Сумалакнинг ширин иси димоғларни қитиқлайди.

Маҳалла кайвониси Фотима ая Ҳошимова ёшларга Наврўз, сумалак ҳақида ривоятлар, маталлар айтади. Наврўз фалсафасида ўзаро меҳр-оқибат, хайр-саховат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик мужассам экани, сумалакни барча биргаликда пиширib, ҳаммага улашиши ана шундай аҳиллик ва тотувлик белгиси эканини таъкидлайди.

Мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ, ягона оила бўлиб истиқомат қилмоқда. Ватанимиз тараққиёти, тинчлиги ва фаровонлигига барча бирдек ҳисса қўшмоқда.

Наврўз мустақиллик йилларида мамлакатимизда яшаётган миллати, тили, динидан қатъи назар, барча ватандошларимиз орзиқиб кутадиган умумхалқ байрамига айланди.

Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги "Оқибат" маҳалла фуқаролар йиғини – турли миллат вакиллари ҳамжиҳатликда, тинч-тотув, фаровон ҳаёт кечираётган ибратли масканлардан бири. Маҳалладаги муҳит номига монанд.

Бу ерда ҳар баҳор қўни-қўшнилар жам бўлиб, биргаликда сумалак пиширади. Турли миллат вакилларининг аҳиллиги, қадрдонлиги, бир-бирига ҳазилларини кўриб ҳавасингиз келади.

Фотима ая чаққон ишлаётган қиз-жувонларни мақтаб қўяди: баракалла Мария қизим, умрингдан барака топ.

– Мария кўз олдимизда ўсиб-улғайган, камтар, хушмуомалалиги билан эл меҳрини қозонган, – дейди Фотима ая. – Ҳар бир ишга эпи келади. Тўй-маъракa, ҳашарларимизда фаол.

Гоҳида кўк чучвара тугиб, гоҳида дошқозондаги сумалакни кавлаётган Мария Николаева мақтовларга кулиб жавоб беради:

– Болалигимдан элга қўшилиб, ўзбекдай бўп кетганман. Ҳамма урф-одатларни биламан. Айниқса, Наврўзни, бу айёмдаги муҳитни, қадриятларни яхши кўраман.

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 19 февралдаги "2016 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ маҳаллада ушбу айёмга катта тараддуд кўрилди. Турар жойлар атрофи ободонлаштирилди, янги ниҳоллар экилди. Табаррук отахон ва онахонлар ҳолидан хабар олиниб, кўмакка муҳтож кишиларга беғараз ёрдам кўрсатилди.

– Маҳалламизда элликдан ортиқ миллат вакиллари яшайди, – дейди "Оқибат" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳакимжон Каримов. – Маҳалладошларимиз билан ҳар бир байрамни, айниқса, Наврўзни ўзгача тайёргарлик билан кутиб оламиз. Наврўз юртимиздаги файзу баракани, жамиятимиздаги инсонийлик, соғлом маънавий муҳитни намоён этадиган байрамдир. Кунлар исиши билан ҳашар уюштириб, атрофни тозаладик. Боболар набираларини ёнига олиб, икки юздан зиёд арча, юзга яқин мевали дарахт ва гул кўчатлари ўтқазди.

Эдуард Пегай Ўзбекистоннинг ҳосилдор тупроғини, болдай ширин меваларини яхши кўради. Маҳалладошларидан боғбонлик сирларини ўрганган Эдуард амаки ҳар баҳорда кўчат ўтқазади. Дарахтлари ҳосилга кириб, ҳалқимиз дастурхонини тўлдиришини, атроф-муҳитни безаб туришини хоҳлайди.

– Ўзбекистон ҳаммамизга паноҳ бўлган, ризқ-рўз берган юрт. Уни обод қилиш, ҳар томонлама ривожлантириш бурчимиз, – дейди Эдуард Пегай.

Сумалакни Наврўз айёмида пиширилишининг узоқ тарихи, илмий асоси бор. Зукко аждодларимиз эрта баҳорда – илик узилди пайтда организмнинг дармондориларга бўлган эҳтиёжини қондирадиган, танга куч-қувват, саломатлик бахш этадиган сумалак, ҳалим, кўк сомса каби таомлар пиширган. Уларни кўпчиликка улашиш эзгу амал ҳисобланган.

– Наврўзи оламнинг яна бир хислати борки, у она заминни ардоқлаб, унинг неъматларини, бугунги тинч ҳаётни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга даъват этади, – дейди Зийуар момо Базарбаева. – Телевизор орқали дунёда нималар бўлаётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Шукрки, мамлакатимизда тинчлик-осойишталик ҳукмрон. Хонадонимиз тинч, фарзандларимиз саломат, ҳар кунимиз хотиржам экан, мана шундай байрамлар қилмоқдамиз. Дастурхонларимиз тўкин-сочин, фарзандларимиз баркамол ўсмоқда. Булар учун давлатимиз раҳбаридан миннатдормиз.

...Баҳорнинг яна бир нурафшон тонги отди. Эрталабдан дошқозонда маромига етиб пишган тансиқ таом – сумалак сузилиб, маҳалладошларга улашилди.

Тўқсон баҳорни қаршилаган Минигул бувига сумалак олиб бориб берилди. Онахон юртимиз тинч, Президентимиз омон бўлишини, хонадонларимиздан файзу барака аримаслигини, халқимиз фаровонлиги бардавом бўлишини Яратгандан тилаб, дуо қилди. Ҳамма дуога қўл очди.

Гўзал САТТОРОВА,
ЎзА мухбири

ҚАЛБЛАРГА ОЛАМ-ОЛАМ ҚУВОНЧ БАХШ ЭТДИ

Ўзбекистон халқи ўз мустақиллигининг 25-йилида яшариш, покланиш ва бунёдкорлик фасли — Наврўз байрамини қарши олмоқда. Ҳар бир қалбда олам-олам ҳаяжон, айём баҳонасида эзгу тилакларини бир-бирига йўллаётган ҳамшаҳарларимизни кўрган кишининг кўнглидан албатта шу ўй ўтади: "Байрамларнинг бори қандай яхши!"

Шу кунларда Яшнобод туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли 30-меҳрибонлик уйига йўли тушган кишининг баҳри-дили очилиб қайтиши, шубҳасиз. Муассаса ҳовлиси тоза-озода, гул ва дарахт кўчатлари яшнаб турибди. Баҳорнинг илиқ ва тафтли кунларида ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашари натижасида меҳрибонлик уйи ҳовлиси ва ичкариси батартиб ҳолга келтирилди. Янги ўтқазилган 30 туп мевали дарахт, 30 туп атиргул кўчати бу масканнинг бир чиройига ўн чирой қўшган бўлса, ажаб эмас.

— Наврўз шукуҳи, кўклам нафаси ҳар бир инсоннинг қалбини эзгуликка тўлдирмасдан иложи йўқ. Айниқса, тақдир тақозоси билан бу ерга келиб қолган болажонлар учун бу байрамнинг аҳамияти ўзгача. Ҳар йили муассасамизга хусусий тадбиркорлар томонидан хайр-саховат кўрсатилади. Наврўз байрами арафасида 15 кг. буғдой майсасидан тайёрланган сумалак нафақат тарбияланувчи, балки педагог-мураббийлар учун ҳам энг мазали ва тансиқ таом сифатида тортилади. Меҳрибонлик уйимизда тарбияланаётган 111 нафар боланинг ижод намуналари — табиат манзаралари, тўқима маҳсулотлар, тувакда ўстирилган гуллар, турли эсдалик совғалари кўргазмада намойиш этилиб, турли номинациялар бўйича рағбатлантирилади, — дейди Меҳрибонлик уйи директори Феруза Усмонхўжаева.

"Меҳр — кўзда" деганларидек, қадимий ва кўҳна байрам — Наврўзда давлатимизнинг чексиз ғамхўрлигидан баҳраманд бўлаётган болажонлар нигоҳига боққанда, муассаса педагог ходимлари ва хизматчиларининг қалби энтикиб кетади. Бу ерда ташкил қилинган "Умид" ашула ва рақс тўгараги аъзоларининг концерт дастурида миллий урф-одатлар жилоси сезилиб турди.

Наврўз байрами том маънода бунёдкорлик, янгиланиш ва яшариш кунидир. Ниятимиз байрамлар байрамларга уланиб, меҳр-оқибат ҳамиша бардавом бўлсин.

Ҳулкар КУЗМЕТОВА

МЕҲР-ОҚИБАТ КЎРСАТИШ ОЛИЙ ФАЗИЛАТ

Кексаларни эъзозлаш халқимизга хос миллий қадрият ҳисобланади. Халқимиз асрлар оша кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келаётган миллий қадриятларимизнинг ёшлар орасида тарғиб қилиниши муҳим аҳамиятга эга.

Янгиланиш ва яшариш айёмида юртимиздаги ҳар бир манзил, ҳар бир хонадонда байрамона кайфият, шодлик ҳукмрон. Каттаю кичик бир-бирини қутлаб, эзгу тилаклар изҳор этмоқда, нуроний отахон-онахонлар ҳолидан хабар олинмоқда.

"Камолот" ЁИҲ "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши ходимлари ташаббуси билан Наврўз умумхалқ байрамида "Қадриятларимизни қадрлаймиз!" лойиҳаси доирасида "Кексаларни эъзозлаш — бебаҳо қадрият" мавзуида тадбир ташкил этилди.

Ҳудудда жойлашган "Университет" маҳалласида истиқомат қилувчи Мавлуда Рўзибоева, Мирзо Ғолиб маҳалласидаги Зиёда Накиева, "Зиё" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Жонбой Алимжонов ва Анора Камаловаларнинг ҳолидан хабар олиш ҳамда байрам совғалари билан қутлаш мақсадида ташриф уюштирилди.

Кексаларни эъзозлаш халқимизнинг асрий қадриятлари, улуғ фазилатидир. Бу ташрифдан кўзланган асосий мақсад якка-ёлғиз, нуроний отахон ва онахонларнинг кўнглини хушнуд қилиш, қалбларига оз бўлсада қувонч улашиш, ҳолларидан хабар олиш, уларни қадрлаш, эъзозлашдир. Шу муносабат билан ташкиллаштирилган ушбу лойиҳа албатта эзгу мақсадларга, яхшиликка хизмат қилиши шубҳасиз. Ёши улуғ отахон ва онахонлар билан бўлиб ўтган мазмунли суҳбатда ёшларга тинчлик-осойишталикни қадрлаш муҳимлиги, яратилган шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиш лозимлиги айтиб ўтилди.

Зиёда РАСУЛОВА

Реклама ўрнида

UZTELECOM



“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК “ТШТТ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

азиз юртдошларимизни
ўлкамизга гўзаллик сепини ёйган,
табиатга жон бағишлаб борлиқни нурга
ўраган баҳор айёми – НАВРЎЗ байрами
билан самимий қутлайди.
Заминимизни баҳорнинг
ёрқин нурлари тарк этмасин.
Нафосат ва гўзаллик байрамида
хонадонингизга тинчлик,
хотиржамлик, баҳорий кайфият
тилаб қоламиз!

ТОШКЕНТ ШАҲАР СТАНДАРТЛАШТИРИШ ВА МЕТРОЛОГИЯ
БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ БАРЧА ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗНИ

халқимизнинг қадимий ва ҳамиша навқирон, баҳор элчиси ва
табиатнинг уйғониши рамзи сифатида бетакрор гўзаллиги
билан юртимизга кириб келган Наврўз умумхалқ байрами
билан муборакбод этади. Ушбу қутлуғ айём
муносабати билан Сизга ва ошла аъзоларингизга куч-ғайрат,
шижоат ва мустаҳкам соғлиқ тилаймиз.
Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!

Ишонч телефони: 242-12-35
Очиқ эшиклар куни – жума.
Хизматлар лицензияланган.

ЯШНОБОД ТУМАНИ ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ,
САВДО ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ХОДИМЛАРИ
КАСАБА УЮШМАСИ КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

қадрли ҳамшаҳарларимизни тўкин-сочинлик, хотиржамлик ва тотувлик
рамзи бўлган Наврўз айёми билан чин дилдан табриклайди.
Ватанимиздаги тинчлик, оилаларимиздаги тотувлик,
дастурхонларимиздаги тўкинлик бардавом бўлсин.
Кўнгилларга қувонч улашаётган байрам
нашидаси ҳеч биримизни тарк этмасин!

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

Барчангизни энг қадимий ва ҳамиша навқирон,
баҳор ва уйғониш фасли сифатида бетакрор гўзаллиги
билан юртимизга кириб келган Наврўз умумхалқ
байрами билан эзгу тилакларни изҳор этган ҳолда табриклаймиз.
Наврўз ила хонадонларимиздан меҳр-оқибат, файзу барака аримасин.
Табаррук оталаримиз, мунис оналаримизнинг умрлари узоқ бўлсин,
ака-укаларимиз, опа-сингилларимизнинг
кўнглидаги пок ниятлари ижобат бўлсин.
Қалбимизни Наврўз шукуҳи ҳеч қачон тарк этмасин!



“ҲУВАЙДО МЕБЕЛЬ” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН
ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ
Маҳсулотлар сертификатланган

“PGS” хусусий ишлаб
чиқариш корхонаси

шаҳримиз аҳолиси ва пойтахтимиз
меҳмонларини, ишбилармон
ҳамкорларимиз ва ҳамкасбларимизни
Наврўз байрами билан муборакбод этади!

Сизга сиҳат-саломатлик, ишларингизда
омад ёр бўлишини тилаймиз.

“PGS” – бу кенг турдаги электр
жиҳозлари демакдир.

Барча маҳсулотларимиз патентланган
ва сертификатга эга.



Мулоқот учун: 279-38-54, 279-15-70.
Факс: (+99871) 279-25-23. e-mail: pgs4@yandex.ru
Маҳсулотлар сертификатланган

“ТОШКЕНТ ОҚШОМИ” ва “ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ”

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

Реклама ўрнида

O'ZSANOATQURILISHBANK

Сизни баҳор байрами — Наврўзи олам билан муборакбод этамиз!

Оилангизга тинчлик-омонлик, бахту саодат, файзу барака тилаймиз.

Эзгу орзу ниятларимиз ушалсин, Ўзбекистонимиз янада обод ва фаровон бўлсин.

Хизматлар лицензияланган.

Вақт давомида синалган ишонч!
www.uzpsb.uz

Барчангизни эзгулик ва янгиланиш рамзи бўлмиш Наврўзи олам билан самимий қутлаймиз. Байрам нафаси дилларимизга баҳорий илиқлик, хонадонларимизга файзу барака, озод ва обод юртимизга фаровонлик олиб келсин. Дастурхонимиз доимо тўкин бўлсин.

"ТОШБОЗОРСАВДО" УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

Қадрли ҳампаҳарлар ва соҳа ходимлари!
Яшариш ва янгиланиш рамзи, азалий қадриятларимиз тимсоли – Наврўз умумхалқ байрами муборак бўлсин.
Юртимизга она-табиатнинг тенгсиз мўъжизаси – Наврўзи олам кириб келиши муносабати билан Сизларга фаровонлик, улкан бахту саодат тилаб қоламиз.
Наврўз шодиёналари қутлуғ бўлсин!

ТОШКЕНТ ШАҲАР КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

Қадимий ва ҳамиша навқирон, кўзларни қувнатиб, дилларга илиқлик бахш этадиган Наврўзи олам барчангизга баҳордек фусункорлик, бахт ва омад олиб келсин, энг эзгу орзуларингизни рўёбга чиқариш Сизга насиб этсин.

Осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИ ЖАМОАСИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ ЖАМОАСИ

ҳамшаҳарларимизни баҳор зийнати, юртимиз гўзаллигининг тимсоли бўлмиш Наврўз умумхалқ байрами шодиёналари билан чин қалбдан табриклайди.
Сизларга бахту саодат, оилавий фаровонлик, мустаҳкам соғлик ва узоқ умр тилаймиз.
Азиз диёримиздан меҳру оқибат, файзу барака ҳеч қачон аримасин!

Реклама ўрнида





ХОНАДОНИМИЗ НУРГА ТЎЛСИН

Ҳозирги кунда ҳаётимизни, турмуш тарзимизни электр энергиясисиз тасаввур қилиш қийин. Бу ресурсга бўлган талаб кун сайин кўпайса кўпаймоқдаки, асло камайгани йўқ. Ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш каби кўплаб йўналишлар, бир сўз билан айтганда иқтисодиётнинг тараққий этиши бевосита электр энергияси билан боғлиқ. Шу боис мамлакатимизда мазкур соҳани ривожлантиришга катта эътибор қаратилган.

Мавжуд манбалар модернизация қилиниб, энергия тежовчи технологиялар жорий этилмоқда. Қайта тикланувчи энергия манбалари ҳамда янги қувватлар ишга туширилиб, соҳага илғор хориж тажрибаси татбиқ этилаётгани қувонарли ҳол, албатта. Истеъмолчиларга имконият ва қулайликлар яратиш, электр энергиясининг ҳисобини юритишни такомиллаштириш, тўловлар интизомини мустаҳкамлаш, уларни ўз вақтида ва тўлиқ ундиришни тартибга солиш борасида кенг кўламли ишлар қилинаётир. Хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда электр энергиясидан самарали фойдаланиш, табиий ресурсларни авайлаб-асраш борасида бир қатор янги лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил ноябрдаги 512-сонли қарорига асосан эскирган индукцион ҳисоблагичлар ўрнига янги, замонавий электрон ҳисоблагичларнинг татбиқ этилиши ҳам фикримизнинг исботидир. Мазкур амалий ҳаракатнинг асосий мақсади истеъмол қилинган электр энергиясини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштиришдан иборатдир.

Ҳозирги кунда электрон ҳисоблагичлар ўрнатилгандан кейин сир эмаски, ҳар бир истеъмолчи аввалги энергия сарфига нисбатан тежамкорлик билан электр энергиясидан фойдаланмоқда. Ушбу ҳолат энергетика тизимида бир неча минглаб кВт.соат электр энергиясининг тежалишига олиб келади.

Маълумки, электр ҳисоблагичдан фойдаланишда бир қанча талаблар мавжуд. Электр ҳисоблагичлари ва ўлчов трансформаторларини вақти-вақти билан текширувдан ўтказиш, ҳисобга олиш қурилмалари билан биргаликда фойдаланиладиган ўлчов трансформаторларини бошқа жойга ўрнатиш ва алмаштириш фақат энергия таъминоти ташкилотининг розилиги билан амалга оширилиши лозим.

Шуҳрат АБДУРАҲМОНОВ,
“Ўздавэнергоназорат” инспекцияси
Тошкент шаҳар бўлими инспектори

ТЕЖАМКОРЛИК ЙЎЛИДА ҲАМКОРЛИК

Ер юзининг 71 фоизи сув билан қопланган. Чучук сув захираси эса 2 фоизни ташкил этади, холос. Дунёда икки миллиарддан зиёд одам ичимлик суви етишмаслигидан азият чекмоқда. Сувдан оқилона фойдаланиш, уни тежаш эҳтиёжи йилдан-йилга ошиб бораётир.

22 март – Халқаро оби ҳаёт куни муносабати билан Тошкент ирригация ва мелиорация институтида “Сув – бебаҳо неъмат” мавзуида ўтказилган анжуманда шу хусусда сўз борди. Ўзбекистон Экологик ҳаракати ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси, Экоҳаракат депутатлар гуруҳи аъзолари ва “Ёшлар қаноти” фаоллари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги масъул ходимлари, профессор-ўқитувчилар, ёш тадқиқотчилар, талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири ўринбосари Ш.Ҳамроев, Тошкент ирригация ва мелиорация институти проректори Т.Султонов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида табиий ресурсларни, жумладан, сув заҳираларини тежаш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш тизими яратилганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 19 апрелдаги “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори асосида бу жабҳада изчил ишлар амалга оширилмоқда.

– Сув танқислиги бугунги кунда бутун инсониятни ташвишга солаётган муаммолардан, – дейди Экоҳаракат депутатлар гуруҳи аъзоси Ислом Хушвақтов. – Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни қўллаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, суғориш тармоқларини техник ва технологик модернизациялаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ёшларнинг экологик маданиятини юксалтириш, илм-фан ютуқлари ва инновацион ишланмаларни амалиётга татбиқ этишга йўналтирилган кўплаб дастур ва лойиҳалар ўз самарасини бераётир.

Тадбирда сув ресурслари муҳофазаси ва улардан оқилона фойдаланишда давлат ва жамоат ташкилотлари, илм-фан ва таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

А.ҚИЁСОВА,
ЎзА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА!

Катта ҳажмли сув ўтказгич тармоқларида таъмирлаш ишларининг олиб борилиши, шунингдек, 2016 йил баҳорги-ёзги мавсумга тайёргарлик кўриш муносабати билан ДУК “Сувсоз” трести истеъмолчиларга ичимлик сув босимининг пасайиши ва бўлмаслиги ҳақида қуйидагиларни маълум қилади:

29 март соат 09.00 дан 30 март соат 09.00 гача

1. Сув бўлмайди – Мирзо Улуғбек тумани бўйича: Аҳмад Югнакий, Ал Фаробий, Ҳумоюн номли маҳаллаларда, Сил касалликлари диспансерида, Нейрохирургия касалхонасида.

30 март соат 09.00 дан 31 март соат 09.00 гача

1. Сув бўлмайди – Олмазор тумани бўйича: Сағбон кўчасида, 11, 13-тор Сағбон кўчаларида, Фани Аъзамов, “Аҳилобод”, “Гузарбоши” маҳаллаларида, Қорақамиш – 2/1, 2/5, 1/3 даҳаларида.

2. Босим пасаяди – Олмазор тумани бўйича: Қорақамиш – 1/4 даҳасида, “Чимбой” маҳалласида, Турин лицейи ва университетида.

31 март соат 09.00 дан 1 апрель соат 09.00 гача

1. Сув бўлмайди – Учтепа тумани бўйича: Чилонзор Г-9, Г-9А ва 10-мавзеларида, Фарҳод бозорида, Фарҳод кўчасидаги Савдо расталарида ва Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида.

4 апрель соат 09.00 дан 5 апрель соат 09.00 гача

1. Сув бўлмайди – Юнусобод тумани бўйича: “Шодлик” маҳалласида

2. Босим пасаяди – Юнусобод тумани бўйича: 4-Туман иссиқлик қозонхонасида, “Зенит” заводида.

5 апрель соат 09.00 дан 6 апрель соат 09.00 гача

1. Сув бўлмайди – Сергели тумани бўйича: Жанубий ишлаб чиқариш ҳудудида.

2. Босим пасаяди – Сергели тумани бўйича: Сергели – 3, 4-даҳаларида.

6 апрель соат 09.00 дан 7 апрель соат 09.00 гача

1. Сув бўлмайди – Сергели тумани бўйича: Жанубий ишлаб чиқариш ҳудудида.

2. Босим пасаяди – Сергели тумани бўйича: Сергели – 3, 4-даҳаларида.

7 апрель соат 21.00 дан 8 апрель соат 20.00 гача

